


Ўзбекистон Республикаси Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

6 / 2019

Умида РАСУЛОВА

ҲОЗИРГИ ҚИССАЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМИОТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Адабий жараёнда тасаввур ва тафаккур тарзининг янгиланиши қиссалар поэтикасида ҳамкўзгаташланади. Қиссаифода усулида семиотика имконияти, бадий тасвир воситалари поэтик мазмунни тўлдириб боради. Ҳақиқий бадий асар мукамал таркибга эга бўлиб, маъно нуқталари серқатламлиги яширин мазмун миқёсини кенгайтиради. Ижодкор туйғу, ҳолат ифодачиси сўзнинг функциясини асар жавҳарига сингдиради. "Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси, маънолар йўналиши, кўпқатламлигини англашдир"¹.

Семиотика жумладаги сўз мазмуни, шакли, оҳанги борасидаги тасаввурларни яхлит тизимга келтиради. Структура бадий матндаги қисмлараро алоқа, мослашувни намоён этади. У матндаги барча элементларни ўрганиб, маъно йўналиши, кўпқатламлигини таъминлашга, ботиний қувватни мустаҳкамлашга имкон яратади. Структура бадий матннинг эстетик манбаи саналиб, семиологик марказнинг аниқ, тиниқлиги унинг теранлигига ишорадир.

Таркибдаги илк семиотик марказ сарлавҳа бўлиб, унда муаллиф гоёси, концепцияси жо бўлади. Сарлавҳа илк таассурот, муаллиф ҳамда китобхоннинг руҳий мулоқоти деб ҳисобланади. Санъаткорлар борлиги, истеъдоди, ижодий ниятини баҳолаш шу лаҳзадан бошланади. "Сарлавҳа асар предмети топилишида муҳим очкич, калит. У асар тури ва аниқланадиган структура билан узвий боғлиқ"².

Хуршид Дўстмуҳаммад "Ёлғиз" қиссаси сарлавҳаси асрорини англаш онларида яққа, фард сўзлари хотиримизда жонланади. Ёлғизлик ҳолати ўз ақида, маслаги истагидаги шахс ёки нарсани шууримизда пайдо қилади. Йўл ҳамда йўлсизлик аро изланаётган, ҳақ ё ботилга қарши курашаётган, ўй-хаёллари билан бандлик даражаси яққаликка дахлдор сиймо... Муаллиф ифода йўсинида, бадий тафаккурида тобланган воқеликлар матнни ўзлаштириш жараёнида реаллашиб боради. Қиссада макон ва замон кенглигидаги ёлғиз шахснинг изтиробу фиғони ҳаётий ҳамда ҳаёлий кечинмалари силсиласида зухурланиб туради. Адиб Жулкунбой этикоди, соф виждони билан боғлиқ лавҳаларни фалсафий, мажозий мазмун билан уйғунлаштиришга мувофиқ бўлади. Асарда Абдулла ҳамда Ростгўй амаки образини параллель тасвирлаб, улар муштараклигидан ёзувчи феноменини талкин этади. Структурадаги муҳим маъно нуқтаси Ростгўй эртаги замиридаги аччиқ ҳақиқатда жамланади. Абдулла тийнатидаги закийлик, донишлик қалтис вазиятда ҳам инсонийлик шарафини забун этмасликда яққол кўринади. Маҳбуслик, тутқунлик дилбар шахс эркига соя ташламайди, ундаги метин ирода, матонат ижтимоий муҳит гирдобидан омон сақлайди. Адиб руҳий ҳаловат, чин ҳақиқатга интилган инсоннинг ҳодисага онгли ёндашувини тўғри белгилайди. Абдулла ниқобланган дўсту сохта биродардан ноҳақлик кўради, аммо ўзи ҳеч кимга зиён етказмайди. Унинг фитратидаги тўғрисўзлик, фидойилик қулфат

¹ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. Тошкент: Шарк, 2007. 29-бет.

² Феллер. Структура произведения. М.: Книга, 1981. С. 87.

келтирса-да, маслагига содиқ қолади.

“Тушунган одам тушунганлиги туфайли тушунмаганлар орасида тушуниксиздир, ёлғиздир... Фикрда, фикрчанликда ёлғиз эди, Абдулла. Ўша ёлғизлик мана энди буткул ўзгача тўнда унинг бошига ёпилганди!...”³ Илмий манбаларда герменевтика термини тушунтираман маъносини англади. Иқтидор, истеъдод, заковат бирлигидан моҳият шаффофлашади. Одамлар ичра фардликка мубтало шахснинг пок эътиқоди, соф кўнгли, юксак салоҳияти мезони тушунмаганларга ноаён, мавҳум туюлаверади. Боиси мувозанатни асраш, эл, миллат ҳурлиги учун донишмандлик мақомига етишиш душвор. Ҳақпараст бошига зулмат тўни ташланса-да, бир қатим нур қаҳрамон тийнатиغا умид бахш этади. Жумладаги ёлғиз сўзи такрори таъкид, тасдиққа ишора бериб, аҳдига содиқ образ концепциясини бадий асослашга замин яратади.

Носир ҳақиқат манзараларини баъзан тахайюл манзилига кўчириб, руҳий эврилишни символик ҳолатда пардалаб боради. Абдулла ижодкорнинг қаҳрамони Юсуфбек ҳожи билан ҳаёлий мулоқоти икки кўнглини бир сулуққа бирлаштиради. Шахс руҳий яқинлиги, дунёқарашдаги яхлитлик асар ичра асар яралганда яққол кузатилади. Ботиндаги безовталиқ, руҳиятдаги тебранишлар маъно кўламини тажассум топтиради. Бу адолат манзили ижодкор идеалининг, эстетик позициясининг асосини белгилайди. Хуршид Дўстмуҳаммад бадий образнинг руҳий-маънавий дунёсини миллий, маданий сарҳадлар қамровида ёритиб боради. Муаллиф эркин шахс концепциясини ёлғизлик мотивига қолиплаб кўрсатишга интилади.

Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасида зулм, жаҳолатнинг инсоният таназзулига таъсири далилланади. Уруш офати асрлар давомида инсон наслини тириклик ҳузуридан мосуво айламоқда. Урушда ҳеч ким ғолиб бўлмайди, миллату элат ҳалоқатга юз тутади. У киши қалбидаги эзгу фазилатни ёвуз иллатга ўзгартиришга эришади. Обод масканлар харобаларга айланиб, ер юзида вайроналар кўпаяди. Инсон бу фожеалардан тўғри хулоса чиқаришга хануз ожиз. Асарда семиотик маънолар фожиа, зулматга йўғрилган лавҳада бўртиб кўринади. Нормат ва Анзиратларнинг аянчли ҳолати оила, жамиятни ҳам сергакликка ундайди. Жаҳолат боис икки ёрти бир бутунликка эришмади. Фарзанд соғлиги аёл номусидан муҳимлиги уни умрбод тавқи лаънатга маҳкум айлади. Эр-хотиннинг алоҳида танҳолик жазосига ноил бўлиш мотиви қалб изгироби, таваллосини акс эттиради. Муаллиф яккадан умумга қадар урушдан хасталанган, озорланган аҳли одамзотни ўзликдан маҳрум бўлмасликка тарғиб этади.

“Уруш – ер юзидаги ҳамма эзгу нарсани қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, бахт у ердан юз ўгиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган маҳлуққа айланадилар”⁴.

Асардаги бош семиотик марказ саналган мазкур фикрлар аҳли одамни тафаккур юритишга чорлайди. Нафс қўтқуси киши кўнглига ғулғула уруғини экади. Эзгуликдан бебаҳра ақли ноқислар инсониятни қон денгизида ғарқ қилади. Бахт моҳиятига умумбашарий чизги берилиб, ундан мосуволик марҳумлик диёрига йўл очиши таъкидланади. Ор, номус каби ноёб туйғулар

³ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз // Шарқ вадузи, 6-сон, 61–62-бетлар.

⁴ Эшонқул Н. Ялғиз ҳиди. Тошкент: Шарқ, 2008. 16-бет.

завол топиши, сағир болаларнинг мунгли нигоҳи, қотиллик тамғаси маъно нуқталарини жамлаб боради. Ҳаёт ҳақиқатини умумбашарий муаммолар қамровида тақдим этган муаллиф руҳиятдаги безовталиқни мажозий бўёқда акслантиради. Оламнинг сокин куйини ёвузлик симфониясига гарқ этган уруш қаҳрамонни, инсониятни сўқир йўлда ўз дарду армони қобигида якка қолдиради. Тўғри, осуда ҳаёт умидидаги киши яна табиатдан мужда кутади. У табиатдаги уйғониш жараёни баҳордан умидлантирса, сукунатдаги қиш ҳолатидан сергаклантиради. Одамзод бошига келаётган офатлар қиш янгли қалбни музлатса, баҳор сабоси вужудга малҳам бўлиши рамзларнинг бадий кўламини орттиради. Асарлар сарлавҳаси китобхонда адилбар фалсафий, эстетик қараш, ижодий принциплари борасида тасаввур пайдо қилади. Санъаткор изланишлар жараёнида сарлавҳадан тортиб сўнгги жумлагача пишитиб боришга аҳамият қаратади. У инсон руҳий, ижтимоий майлларини инобатга олиб, киши вужудидиги ниҳон оламни кашф этишга интилади.

Муаллиф танҳолик ҳолатини кўкламдан завқланиб, шодланмаган мен сиймосида баён этади. Баҳор киши умрининг ибтидоси, афсус бу дама бахтдан Мосуво вужудни кўз ёшлари юиб юпанч беради. Орзулари саробга айланган дардаманд яна танҳоликка мубтало. Озорланган кўнгил армони доим севинч онлари рўёбида илҳақ яшайди. Ёлғизликка мубтало инсон изтиробларига малҳам ахтаради. Умри турли зиддиятларга тўла шоир асида ўз ботинига нигоҳ ташлаб, барча машаққатга танҳоликда бардош бераётганини фош айлайди. Ҳақиқатан у доим ўз маслағи, виждони амрига монанд ҳаёт кечириб, адабиётга садоқат, меҳр билан хизмат қилди.

Қиссалар семиотик-структур тизими бадий образларни замону макон билан бутунликда тасвирлашга қаратилади. Адилбар қаҳрамон характерининг асосий хоссаларини кўрсатишда семиотик нуқталарни асар руҳига сингдириб боради. Сўз мағзини англаган китобхон бадий асар мутолаасидан эстетик завқ олаверади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада замонавий қиссаларнинг структур-семиотик хусусиятлари ўрганилди.

РЕЗЮМЕ. В статье освещаются структурно-семиотические свойства современных повестей.

RESUME. The article researches structural, semiotic features of modern stories.

Таянч сўз ва иборалар: адабий жараён, қисса, семиотика, структура, руҳият, бадийят, сарлавҳа, қаҳрамон

Ключевые слова и выражения: литературный процесс, повесть, семиотика, структура, психология, художественность, заглавие, герой

Key words and word expressions: literary process, tales, semiotic, structure, psychology, artistic, heading, hero.

Насиба ТУРСУНОВА

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА МАГИК МАРОСИМЛАР

Маълумки, жаҳоннинг кўпгина халқларида бўлгани сингари, ўзбекларда ҳам соч магик хусусият касб этувчи нарса деб тасаввур қилинган. Мифологик қарашларга кўра, соч эгасининг жони яшайдиган нарса бўлиб, магик

Ў
С
У
К
Қ
а
Ш
—
М
М
26
во
Нс

МУНДАРИЖА

Фурқат таваллудининг 160 йиллиги

И.Ҳаққул. Фурқат – армон ва айрилиқ шоири	3
Н.Жаббор. Фурқат ва ўзбек миллий уйғониш адабиёти	8
Э.Очилов. Фурқат ижодида Навоий анъаналари	13
Б.Ражабова. Пулатжон Қайюмов Фурқат ҳақида	17
З.Қобилова. Фурқатнинг Амирий ғазалларига татаббулари	21
С.Ўтанова. Фурқат шеърлятида ранг ва руҳий ҳолат тасвирлари	24

Тилшунослик

Ш.Қўчимов, Г.Ғуломова. Халқаро муносабатлар ва миллий тиллар тараққиёти ...	27
А.Аллабердиев. Бухоро ўғуз шеваларида арабча лексик қатлам	31

Адабиётшунослик

Н.Каримов. “Чигатой гурунги”	36
О.Жўрабоев. Амир Умархон ва Қўқон адабий муҳити	45
Д.Зоҳидова. Исажон Султоннинг “Озо” романи поэтикаси	51

Илмий ахборот

Х.Ҳамидов. “Адолат манзили”нинг туркча таржимаси	57
Д.Муҳиддинова. Замонавий ўзбек ва араб ҳикояларининг қиёсий талқини	60
М.Шониёзов. Қўқон адабий муҳитида таърих жанридаги шеърлар	65
У.Расулова. Ҳозирги қиссаларнинг структур-семиотик хусусиятлари	68
Н.Турсунова. Ўзбек драматургиясида магик маросимлар	70
Ж.Асқарова. Эртақчилар ижоди ва репертуари	73
О.Холмуродова. Эртақларда сеҳрли рақамлар	76
А.Турдиев. Оғзаки ва ёзма адабиётда муштарак рамзлар	79
Ҳ.Худоймуродова. Услуб ва тасвир маҳорати	81
Г.Эрназарова. “Медитатив лирика” ва унинг ўрганилиши	83
Н.Улуқов, К.Ҳамидова. <i>Сирдарё</i> гидроними хусусида	87
М.Абдиев, Э.Бойматов. Туризм терминологиясига доир	90
Б.Умурқулов. Матн ва сўз маънолари	93
С.Нормаматов. Ўзбек лексикографиясидаги илк терминологик лугат	96
Г.Ғаниева. Модал сўзлар ва прагматик баҳо	100
Н.Ҳаджимусаева. “Орзиғул” дostonидаги эпитетлар	103
Н.Қудратхўжаева. Ўзбек тилида лексик маънонинг таркиби масаласи	105
Ҳ.Ортиқова. Бадий матннинг ассоциатив структураси	108
О.Тўхтасинова. Неологизм ва окказионализмнинг ўзаро муносабати хусусида	111
И.Эрназарова. Ҳалима Худойбердиева ижодида такрор санъати	113
В.Каримова. Айрим қариндошлик атамаларининг лисоний хусусиятлари	116

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Каримов. Сўфизода қачон тугилган?	119
Ё.Одилов, Р.Шукуров, И.Ҳабибжонов. Заҳматкаш олим	123

Илмий ҳаёт

Фурқат таваллудининг 160 йиллиги	126
Мирализ Миртожиев	126
Сора Отамирзаева	129
Саидбек Ҳасанов	131